«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК»ДАГИ АДАБИЁТШУНОСЛИККА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Ж.О.ХУДОЙБЕРДИЕВ

В произведении «Диван лугатит-тюрк» Махмуда Кашгари приведено много сведений из жизни тюркоязычных народов, в том числе толкование терминов по различным отраслям науки. В статье проанализирован и представлен литературоведческий терминологический пласт, встречающийся в данном произведении.

In the work "Divan Lugaat-Turk" of Mahmud Al-Kasgari was given much information about life of Turk speaking people. In the article was analyzed and presented the literary and terminological stratum, meeting in given novel.

Адабиётшунослик ва адабий-эстетик тафаккурнинг шаклланиши ва тараққиётида фалсафий, илмий ҳамда тарихий асарларнинг ўрни катта. Бу жиҳатдан Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимларнинг асарларидаги адабиёт, санъат, шеър ва шоирлик хусусидаги фикрларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий сингари буюк адибларнинг асарларида ҳам адабиётшуносликка доир фикрлар акс этган.

Бу борада Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги адабиётшуносликка доир фикрларнинг ҳам ўзига яраша ўрни ва аҳамияти бор. Олим «Девон»да кўплаб масалалар қаторида адабиёт ва адабиётшуносликка доир фан тарихи учун муҳим бўлган айрим маълумотларни келтириб ўтган. Луғатда берилган бош мақола сифатидаги сўзлар маъноларини изоҳлашда 300 дан ортиқ икки ва тўрт мисрали шеърий парчалар, 300 га яқин мақол ва маталлар келтирилган. XI аср ва унгача бўлган туркий адабиётнинг нодир намуналари сифатида мутахассислар томонидан эътироф этилган ушбу ёдгорликларнинг мавзу-мундарижаси, тузилиши кўплаб олимлар томонидан махсус ўрганилган [11]. Луғатда икки нафар шоирнинг номи қайд этилган: бири бош сўз сифатида "Чучу" деб берилган ва у "турк шоирларидан бирининг номи" [9.256] тарзида изоҳланган; иккинчиси эса "анда" сўзи изоҳида "Аъша деган шоирнинг қуйидаги шеърида" [7.150-151.], "са" сўзи изоҳини далиллаш учун келтирилган "шоир Аъшонинг فاعبدا والله ربک иборасидаги каби" [5.225.] жумлаларида акс этган. Бизнингча, Аъша, Аъшо бир кишининг исми бўлиб, матндаги сўз Солиҳ Муталлибов томонидан хато ўқилган бўлиши мумкин. Чунки асарни рус тилига таржима қилган З.-А. М.Авезова [6.159,898], турк тилига ўгирган Бесим Аталай [3.130-131; 5.208], уйғур тилига ўгирган таржимонлар [12.176; 14.288.] Аъша сўзини ҳар икки жойда ҳам бир хил ўқишган.

"Девон"да адабиётшуносликка оид айрим терминлардан намуналар ҳам берилган бўлиб, булар ўша давр адабиётининг, адабиётшунослигининг даражасини тўлалигича қамраб олмаса-да, давр фани тараққиётини белгилашда маълум бир фикрлар билдиришга асос бўла олади. Асарда келтирилган терминлар туркий тилда биринчи маротаба ифодалангани билан ҳам қимматлидир.

Ушбу терминлар ҳозиргача жуда кам сонли олимлар томонидангина ўрганилган. Р.Орзибеков [10.115-116.], А.Абдураҳмонов [1.132-133.] каби олимлар Самарқандда бўлган конференцияда ушбу масала бўйича маъруза қилишган. Ўзбек адабиётшунослиги тарихини ўрганган Б.Валихўжаев "Девон"даги адабиётшуносликка оид маълумотларни йиғиб таҳлил этган [2.47-50].

Б.Валихўжаевнинг фикрича, луғатда келтирилган адабиётшунослик билан боғлиқ атамаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Булар насрий асарларга (этук, откунч, сов) ва шеърий асарларга оид атамалардир (қошуғ, йир) [2.48-49].

«Девон»нинг уч жилд шаклида чоп этилган ўзбекча таржимаси кўздан кечирилганда [7,8,9], юқорида номлари қайд этилган адабиётшунослар томонидан таҳлил этилмаган топишмоқ (табзуғ), бўғин, ҳижо (ўжўк) ёки шеърнинг вазнига қараб товушларнинг қисқартирилиши каби айрим термин ва тушунчалар ҳам борлиги маълум бўлди. Шу боис соҳа мутахассисларига қулайлик яратиш мақсадида Маҳмуд Кошғарий асарида берилган адабиётшуносликка оид термин ва тушунчаларнинг барчасини Солиҳ Муталлибов таржимасидаги ўзбекча нашрдаги кетма-кетлик асосида беришни лозим топдик. Шунингдек, ушбу атама ва тушунчаларнинг Бесим Аталай (БА.) таржимасидаги турк [3,4,5.] ва уйғур тили (УТ.) [12,13,14] нашрларидаги бетлари, уларнинг ўзбек тилидаги таржимадан фарқли жиҳатлари қавс ичида берилди. Нашр имкониятидан келиб чиқиб, араб алифбосидаги ҳарфларнинг усти ва остига белгилар қўйилмади.

اتك *этўк* – ҳикоя, эртак; бирор мақсадни шоҳга билдириш, ҳикоя қилиш учун ҳам бу сўз қўлланади. Асли бир нарсани ҳикоя қилишдан олинган [7. 98; 3.68; 12.93].

اژک *ўжўк* – бўғин, ҳижо: اژكلادى بنك *бітік ўжўкläді* – ҳарфларни ва китобни ҳижжалади (УТ. да “китобни ҳижжалади” тарзида берилган). Ҳижо ҳарфларининг ҳар бирига ҳам اژک *ўжўк* дейдилар. بونا اژک ال *бу нэ ўжўк ол?* – бу қандай ҳарф? Бу сўз албатта ژ билан ёзилади [7.101; 3.71-72; 12.97].

اندا *анда* - у ерда. Ўғузлар «сўнг» маъносидаги сўз учун **الف** ни **ن** га алмаштирадилар.

«у ерда» маъносида бошқалар билан бир хилда анда деб қўллайдилар.

الف ни **ن** га алмаштириш араб тилида ҳам бордир. Чунки Қуръонда Мусо алайҳисалом ҳикоясидаги **العالمين** ва **مارب** иборасидаги **ما** сўзи **من** маъносидадир. Яъни **ن** ўрнида **الف** алмашгандир. Чунки араб тилида нима? маъносидаги сўроқ олмоши жонлиларга **من**, жонсизларга **ما** дир. Шунингдек, **لنسفعا بالناصيه** деган оятда ҳам **الف** **ن** га алмашгандир. Аъша деган шоирнинг қуйидаги шеърида:

ولا النصب المنصب لانعبدنه
لعا قبه والله ربك فاعبدا

فاعبدا сўзининг асли فاعبدن дир. Яъни бу ерда ҳам ن ўрнига الف алмашади [7. 150-151; 3.130-131; 12.176].

انكنج *öткўнч* – ҳикоя (УТ.да “ҳикоя. Ўтган-кечган ишлар” тарзида таржима қилинган). انكنج انكندى *öткўнч öткўді* – ҳикоя айтди [7.I,175; 3.161; 12.218].

انندي *ötўndi* – ҳикоя қилди. **ال خانقا انک انندي** *ол ханқа ötўk ötўndi* – у хонга ўз воқеасини сўзлади. Бу сўзнинг асли **انكندي** *öткўнді,* яъни эшитганидай ҳикоя қилди, демакдир [7.208; 3.199; 12.268].

قشغ *қошуғ* – шеър, қасида, қўшиқ (БА.да “шеър, қасида”, УТ.да “қўшиқ, шеър, қасида” тартибида берилган).

Шеърда шундай келган:

ٮركن قٮن قشٮنكا ٮكر مندن قشغ
ابقل سزنک ٮبغجى انٮر ٮنكى ٮبغ

Тўркän қатун қутїңа,
Тэгўр мэндін қошїғ,
Аjғїл сізнің табуғчї,
Отнур jаңї табуғ.

Малика (шоҳ) хотинига мендан мақтов, қасида (қўшиқ) еткур ва ходимингиз янги хизмат билан йўллайди, деб айт. [7.357; 3.376; 12.487].

ٮبز غ *табзуғ* – топишмоқ. ٮبز غق ٮبزدم *табзуғуқ табуздїм* – мен ундан бир топишмоқни сўрадим [7.429; 3.462; 12.603].

ٮزشدى *тізішді* – тизишди. **ال منک برلا ينجو ٮزشدى** *ол мэнің біплä jінjў тізішді* – у мен билан марварид тизишда, шеър тузишда ва бошқаларда баҳслашди. Ёрдамлашиш учун ҳам бу сўз қўлланади (БА. да “у мен билан марварид тизишда баҳслашди. Шеър тузиш ва бошқа нарсаларни тизишда ҳам шундай”, УТ. да “у мен билан марварид тизди. Шеър, қўшиқ ва бошқа нарсаларни тузишга ҳам шундай дейилади, бирор нарсани тузишга ёрдамлашишга ҳам шу сўз ишлатилади” деб таржима қилинган). [8.108; 4.100; 13.134].

ٮزلدى *тўзўлді* – тизилди, тизиб терилди (УТ. да “тизилди” деб берилган). **ينجو ٮزلدى** *jінjў тізілді* – марварид ва шеър тизилди (БА. да “марварид ва қўшиқ тизилди” деб таржима қилинган). Нарса ўз-ўзидан тизилишига ҳам бу сўз қўлланади (УТ. да “шеър-қўшиқ тузилса, шунингдек, ҳар қандай бир нарса узилгандан тузилишига ҳам шундай дейилади” тарзида таржима қилинган). Бу феъл ўтимли ҳам, ўтимсиз функцияда ҳам келади [8. 145; 4.127; 13.177-178].

قشلدى *қошулдї* – қўшилди, яқинлашди. **قشلدى بير نانك نبيركا** *бір нең біргä қошулдї* – бир нарса иккинчисига яқин келди, қўшилди. Уни бошқа нарса яқинлаштирганда ҳам бу сўз қўлланади. **قشلدى بير** *jэр қошулдї* – шеър айтилди. Қўшиқ тўқилди ибораси ҳам шундан олинган [8.155-156; 4.135; 13.192].

سڤلشدى *сағлашдї* – масал айтишди. **ال منك برلا سڤلشدى** *ол мэнің біплä сағлашдї* – у мен билан масал айтишди, у менга масал айтди, мен унга масал айтдим. Шунингдек, хабарлар, сўзлар, ҳикоялар айтишга ҳам бу сўз қўлланади [8.250; 4.215-216; 13.309].

ير *jїр – куй, мақом.* **ال ير يرلادى** *ол jїр jїрладї* – у бир мақомни куйлади. Кўпинча бу сўз шеърга нисбатан қўлланади. Бу сўзни *їр* тарзида ҳам талаффуз қилинади. Ҳарф алмаштирилгандир [9.9; 5.3-4; 14.2].

يلما *jалма* – пахтали тўн, форслар буни туркий халқлардан олиб **يلمه** *jалма* шаклида ҳам талаффуз қиладилар. Араблар форслардан олиб **يلمق** *jалмақ* шаклида қўллайдилар. Араблар **ق**-қ ни **ھ**-ҳ га айлантирганлар (БА. да “Араблар **ھ**-ҳ ни **ق**-қ га айлантирганлар” деб берилган). Чунончи: **كنده** *кандани* **خندق** *хандақ,* **ياره** *jарани* **يارق** *jарақ* қилиб олганлар.

Араб шоирларидан **ذوالرمة كانه متعبى يلمق عزب** деган эди.

Ҳеч ким бу сўзни турклар форслардан олганлар деб даъво қила олмайди. Чунки мен бу сўзни энг қирғоқ чегараларда яшовчи оддий турк халқларидан ҳам эшитганман. Булар бошқа халқлардан кўра бу хил ёмғир ёпинчиғига муҳтожроқдирлар. Чунки буларнинг юртларида қор, ёмғир кўпдир [9.41-42; 5.34-35; 14.44-45].

كوك *көг* – (юмшоқ **ک** билан) шеърнинг вазни, ўлчови. **بو يير نا كوك ازا ال** *бу јїр нэ көг ўзä ол* – бу шеър қайси вазнда [9.144; 5.131; 14.180].

يير јїр – *ғазал, мақом, куй* (УТ. да “мақом, куй” тарзида берилган). [9. 156; 5.143; 14.194].

ساڤ *саw* – оталар сўзи (УТ. да “мақол” шаклида таржима қилинган). Чунончи, **ساڤدا مندغ كلر** *саwда мундағ кэлір* – оталар сўзида шундоқ келади (УТ. да “мақолда шундай келган” деб таржима қилинган). [9.168; 5.154; 14.210].

ساڤ *саw* – қисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш, айтиш (УТ. да фақат “қисса” деб берилган) [9.168; 5.154; 14.210].

ساڤ *саw* – ҳикоя. Бирор воқеани айтиб бериш [9.168; 5.154; 14.21].

ساڤ *саw* – рисола, хат, кичик китобча (БА. да “хат, рисола” деб берилган) [9.168; 5.154; 14.211].

ساڤ *саw* – сўз, нутқ (БА. да ва УТ. да фақат “сўз” деб берилган). [9.168; 5.154; 14.211].

ساڤ *саw* – илгариги хабарлар, янгиликларни етказувчи (УТ. да “хабарлар, ривоятлар” шаклида таржима қилинган). Шундан олиб, **نبى** *нäбі* – пайғамбарга **ساڤجى** *саwчї* дейилади. Чунки у бир қанча хабарлар эшитиради, ёзилган нарсаларни етказади [9.168; 5.154-155; 14.211].

سا *са* сен маъносидаги сўздир. سا ايرمن *са ајурмän* – сенга айтаман. Бу сўз охиридаги алиф سن *сэн* сўзидаги ن ўрнига алмашгандир ёки سنكا *сэңä* сўзидан نكا *нга* туширилгандир.

ن-*н* ўрнига **الف** алмашиниши арабчада ҳам бор. Чунончи, улуғ Тангрининг **لسفعا** сўзидаги шоир **اعش** *Аъшонинг* **وألله‌ربک فاعبدا** иборасидаги каби [9.225; 5.208; 14.288.].

جوجو *Чучу* – турк шоирларидан бирининг номи [9.256; 5.238; 14.327].

ينجيدى *јунчїдї* – ار ينجيدى *эр јунчїдї* – камбағалликдан одамнинг аҳволи ёмон бўлди. Шеърда шундай келган:

بلكا بكو پنجيدى اڑون انى پنجدى
اردم انى ننجدى پركا نكب سرنلور

Білгä бökў јунчїдї
Ажун атї јанчїдї
Эрдäм эті тїнчїдї
Јэргäт тэгіп сўртўлўр

Замон аҳволини тушунтириб шундай дейди: билимдонлар аҳволи ёмонлашди, Замон уларни тишлаб азоб берди, ҳаттоки, одоб, фазилат гўштлари бузилди, сасиди. Заифликдан ерга тегиб судралмоқда. **تنجدى** *танчадї* сўзининг асли **تنجغادى** *танчғадї* эди. Сўнг шеърий зарурат юзасидан غ – ғ ҳарфи туширилгандир. غ ҳарфини тушириш ўғуз ва қипчоқлар тилида мумкиндир. Улар исм ва феълларнинг ўртасида келган غ ҳарфини тушрадилар [9.317-318; 5.303-304; 14.414-415].

القنى *алқтї* – ال نوارن القنى *ол таварїн алқтї* – у молини йўқ қилиб юборди. Бошқаси ҳам шундай. Билгилки, икки сукунли ҳарфи ёнма-ён келган сўзлар оздир. Чунки икки сукунли сўзларнинг ёнма-ён келиши фақатгина ذلاقه ҳарфлари дейилган уч ҳарф ر, ل, ن лар билан қўшилиб келгандагина мумкин. Бу ҳол исм ва феълларда кенг қўлланувчи қоидадир.

Икки сукунлиларнинг ёнма-ён келиши фақат ана шу ҳарфларга боғлиқдир. Бу ҳарфлар талаффузи оғир сўзларни енгиллатади. Икки ҳарф бир ҳарф ҳолига ўтади. Шунинг учун шоирлар буларни бир ҳарф ҳисоблаб, бир ҳарф қаторида қўллашлари мумкин. (вазнга зарар келмайди) [9.425; 5.419-420; 14.571].

ساڤجى *саwчї* – улуғ Тангри юборган элчилар (пайғамбарлар)дан бири. Бу сўзнинг асли хабар, мақол ва сўз маъносидаги **ساڤ** *саw* сўзидан олинган. Пайғамбар ана шуларни (сўзларни) одамларга етказади [9.445; 5.441; 14.598].

تركلادى *тўркläді* – **ال منى تركلادى** *ол мэні тўркläді* – у мени турклардан деб ҳисоблади, уларга нисбат берди. Бировни ажам ҳисобласа ҳам шундай.

Бу бўлимнинг буйруғи беш ҳарфлидир. Чунончи: **بركلا نانكنى** *бэркlä нэңні* – нарсани маҳкам қил дегандаги **بركلا** *бэркlä* ва қуруа ташла маъносидаги **سريلا** *сўрilä* буйруқлари каби. Лекин бу сўзлар талаффузда тўрт ҳарфлига ўхшашдир. Шунинг учун улар қаторида берилди. Чунки икки сукуннинг бири талаффузда аниқ, очиқ сезилмайди. Шунинг учун шоир буни бир ҳарф ҳисоблаши мумкиндир. Мен буни юқорида баён этганман. Буларнинг бошқа хил вазифалари юқоридаги бобларда баён

қилинган қоидага мувофиқ қиёс қилиб тузилади… [9.448-449; 5.446; 14.604].

Демак, “Девон”да адабиётшуносликка оид термин ва тушунчалар 27 та бош мақолада берилган бўлиб, шулардан 12 таси бош мақола, 15 таси бош мақола сифатида келтирилган сўзларнинг изоҳида қайд қилинган экан. Улар кўздан кечириладиган бўлса, адабий жанрларга (اتك *этӯк* – ҳикоя, эртак; اتكنج *öткӯнч* – ҳикоя; قشغ *қошуғ* – шеър, қасида, қўшиқ; تبز غ *табзуғ* – топишмоқ; ییر *jïр* – ғазал, мақом, куй; ییر *jïр* – ғазал, мақом, куй; ساڤ *саw* – оталар сўзи; ساڤ *саw* – қисса; ساڤ *саw* – ҳикоя), шеър тузилишига (اژک *ӯжӯк* – бўғин, ҳижо: تزشدی *тізішді* – тизишди; تزلدی *тӯзӯlді* – тизилди, тизиб терилди; كوك *кöг* – (юмшоқ ک билан) шеърнинг вазни, ўлчови), шунингдек, халқ оғзаки ижодига (تبز غ *табзуғ* – топишмоқ; سڤلشدی *саwлашдї* – масал айтишди; ساڤ *саw* – оталар сўзи), ёзма адабиётга оид эканлигини пайқаш мумкин. XI асрнинг ноёб ёдгорлиги ҳисобланмиш Маҳмуд Кошғарийнинг “Девон”идаги бу каби далиллар адабиётшунослик тарихи, ёзма ва оғзаки адабиёт тараққиёти, давр тили товуш таркиби ҳамда унинг шеърий матндаги хусусиятлари билан боғлиқ айрим масалаларни ўрганишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдураҳмонов А. Маҳмуд Кошғарий – улуғ фольклоршунос // Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. 2002 йил 25-26 ноябрь – Самарқанд, 2002.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.- Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt I, – Ankara: 2006.
4. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt II, – Ankara: 2006.
5. Kâşgarlı Mahmud. Dîvanü Lügat-it-Türk. Çeviren: Besim Atalay, 5 Baskı, cilt III, – Ankara: 2006.
6. Махмуд ал-Кашгари. Диван лугатат-турк. Перевод и предсловие З.-А.М.Ауэзовой, индексы Р.Эрмерса. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005.
7. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). т. I. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Тошкент, 1960.
8. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Т. II. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Тошкент, 1961.
9. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Т. III. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Тошкент, 1963.
10. Орзибеков Р. «Девону луғатит турк»нинг адабий тур ва жанрлар тарихини ўрганишдаги аҳамиятига доир // Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. 2002 йил 25-26 ноябрь – Самарқанд, 2002.
11. Xudoyberdiyev J. Mahmud Koshǵariy hayoti va «Devonu luǵotit turk» bóʼyicha yaratilgan asarlar kórsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011.
12.

مەهمۇت قەشقەری .تۇركی تېللار دیۋانی.
ورومچی 1 جلد, 1981

13.

مەهمۇت قەشقەری .تۇركی تېللار دیۋانی.

ورومچی 2 جلد, 1983

14.

مەهمۇت قەشقەری .تۇركی تېللار دیۋانی.
ورومچی 3 جلد, 1984.

Ўзбекистон Миллий университети
2011 йил 14 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Содиқов)